



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

PhD Эрназаров Гулам Бекбаевич

*Тошкент шаҳридаги “Москва энергетика
институтини” миллий тадқиқот университети”
Федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси
ORCID: 0009-0001-1596-4393*

Аннотация. Мазкур мақолада Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида, хизмат кўрсатиш соҳанининг ўзига хос аҳамияти, ривожланиш истиқболлари ва тенденциялари ўрганилган. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва ушбу соҳани ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини ва даромадларини ошириш йўллари статистик таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: иқтисодиётни либераллаштириш, хизматлар кўрсатиш, инновация, реал сектор, аҳоли бандлиги, тадбиркорлик, маҳсулот хилма-хиллиги, рақамли иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, бозор иқтисодиёти, технология, корхона, ривожланиш, истеъмолчи, ижтимоий соҳа.

РАЗВИТИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ СФЕРЫ УСЛУГ НА ЭТАПЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

PhD Эрназаров Гулам Бекбаевич

*Национальный исследовательский университет
«Московский Энергетический Институт» -
филиала федерального государственного бюджетного
высшего учебного заведения в Ташкенте*

Аннотация. В данной статье в период экономического развития Нового Узбекистана изучается особое значение сферы услуг, перспективы и тенденции развития. Также статистически проанализирована роль сферы услуг в национальной экономике и пути создания новых рабочих мест, увеличения занятости и доходов населения за счет развития этой сферы.

Ключевые слова: экономическая либерализация, предоставление услуг, инновации, реальный сектор, занятость населения, предпринимательство, продуктивное разнообразие, смешанная экономика, производственное, бозопская экономика, технологии, пивоварение, потребление, социальная сфера.

DEVELOPMENT AND PROSPECTS OF THE SERVICE SECTOR AT THE STAGE OF ECONOMIC DEVELOPMENT OF NEW UZBEKISTAN

PhD Ernazarov Gulam Bekbaevich

The National Research University "Moscow Power Engineering Institute" is a branch of the Federal State budgetary higher educational institution in Tashkent

Abstract. *In this article, during the period of new economic development of Uzbekistan, the special importance of the service sector, prospects and development trends are studied. The development of the service sector based on modern innovative technologies, its weight in the national economy and ways to create new jobs, increase employment and income of the population through the development of the industry are also statistically analyzed.*

Key words: *conomic liberalization, service provision, innovation, real sector, employment, entrepreneurship, product diversity, mixed economy, production, Bosopian economy, technology, brewing, consumerism, social sphere.*

Кириш.

Хизматлар соҳаси мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, арзон иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлик даражасини ва даромадларини ошириш, шунингдек, камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, хизматлар соҳасининг 1 фоизга ўсиши бу камбағалликни ўртача 1,5 фоизга қисқаришини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82 сонли Фармонинг қабул қилиниши, мазкур соҳани ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда (Фармон, 2023).

Давлатимиз раҳбари “Ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва хизматларни ривожлантириш”га бағишланган йиғилишда 2023 йил иқтисодиётимизда хизматлар соҳасининг улуши 43,5 фоизга етиши кутилаётгани, лекин бу етарли эмаслигини таъкидлаб ўтди. Бу кўрсаткич соҳалар кесимида таҳлил қилинганда, бугунги кунда молия, транспорт, савдо, туризм, таълим, тиббиёт ва IT соҳалари, жами хизматлар ҳажмининг 85 фоизини беряпти. Ўтган, яъни 2023 йилнинг 11 ойи давомида 421 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилган. Бу ўтган 2022 йилга нисбатан 13,6 фоиз кўп дегани, холос.

Ушбу кўрсаткични, хорижий мамлакатлар билан солиштирадиган бўлсак, Россияда 56-57 фоиз, Қозоғистонда 54-56 фоиз, Беларусияда 50-52 фоиз ва Жанубий Кореяда 57-58 фоиз ялпи даромадлар ушбу мамлакатларда хизматлар соҳасида яратилади.

Мамлакатимизда хизматлар соҳанинг ривожланиши, бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади.

Шундай экан, мамлакатимизнинг янги иқтисодий ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини ривожлантириш, уни иқтисодиётимизнинг “локомотив”ига айлантириш ЯИМни 100 миллиард доллардан ошириш ва пировардида мамлакатимиз даромади ўртадан юқори бўлган давлатлар қаторига қўшилишига замин яратади.

Адабиётлар шарҳи.

Мазкур мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Мелешко (2016) илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” (Мелешко, 2016) деб, таъриф бериб ўтади.

Неоклассик мактаб вакили Алфред Маршалл (1993) хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, Маршалл (1993) барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, куз билан илғаб булмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Фарбий Европа давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан «хизмат» категориясига қўйидагича таъриф берилган: Хусусан, Котлер (1993) хизматлар деганда йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар «бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан уларни ҳис қилиб бўлмайди ҳамда бирор-бир нарсага эгалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин» деб таъкидлаб ўтади (Котлер, 1993).

Кательс (2000) иқтисодиётининг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларни янги тавсифга эгалиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг «номоддийлиги» ва «моддийлиги» ўртасида мазмунан фарқи йўқолди деб изоҳ беради.

Бурменконинг (2007) берган таърифига кура: «хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак.

Ботирова (2017) илмий ишида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизмат турлари, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши,

аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтган.

Муҳаммедов (2009) хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатади деб, таъкидлаб ўтади.

Эрназаров (2024) “Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболлари” деб номланган мақоласида мамлакатимизда хизматлар соҳанинг ривожланиши, бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади, деб, таъкидлаб ўтади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти: унинг статистик таҳлили: муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида, бошқа кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолани ёритишда иқтисодий таҳлил, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усуллардан атрофлича фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари, Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ривожланиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш истиқболлари ўрганилди ва соҳадаги муаммоларни назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ишимизда хизматлар соҳасида инновацион ва рақамли технологияларни қўллаш орқали соҳани ривожлантиришнинг йўналишлари ўрганилди. Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, хизмат кўрсатиш соҳасида кам харажат билан тез муддатда бизнесни йўлга қўйиш, даромадларининг реал ўсишини таъминлаш ҳамда янги иш ўринларини бошқа тармоқларга нисбатан кўпроқ ташкил этиш мумкин.


Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш босқичида хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2023 йилнинг (1-расм маълумотлари) январь-июнь ойлари якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилган бўлсада, ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 44,1 % дан 47,1 % га ошганини кўришимиз мумкин.

ЯИМнинг бошқа тармоқарига назар ташлайдиган бўлсак, жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 20,9 % дан 20,1 % га, саноатнинг улуши 28,0 % дан 26,3 % га, қурилиш тармоғининг улуши 7,0 % дан 6,5 % га камайди.

Жумладан, 2022 йилда қабул қилинган “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Президент қарори соҳада кичик корхоналар ва микрофирмаларни имтиёзли кредитлаш, имтиёзли солиқ ставкаларини жорий этиш, янгича хизмат турларини ташкил этиш юзасидан инфраструктураларни яхшилаш ҳамда тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали хизматлар ҳажмини янада кенгайтириш учун рағбат бўлмоқда.

Олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий йилнинг I йиллигида 469,6 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,6 фоизга ўсди.



1-расм. ЯИМ да тармоқларнинг улуши¹⁹⁷


Ушбу ЯИМда тармоқларнинг ялпи қўшилган қийматларининг ҳажми 444,4 трлн сўм бўлиб, тармоқлар кесимида қуйидагича улушни ташкил этади:

Юқоридаги рақамларга асосан, иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМда энг юқори улуш хизматлар соҳасида ўз ифодасини топмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 8 ойида тармоқлар кесимидаги ўсиш кўрсаткичлари 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўзгаришлари қуйидагича акс этган:

- хизмат кўрсатиш соҳаси + 58,7 трлн сўмга;
- қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги + 12,9 трлн сўмга;
- саноат соҳаси + 12,6 трлн сўмга;
- қурилиш соҳаси + 3,3 трлн сўмга ошган.

Иқтисодий тармоқларда хизматлар соҳасининг ўсиш суръати юқори бўлганлиги сабабли, ушбу соҳадаги ўзгаришлар ҳамда ривожланишлар келгусида ҳам янада ўсиши прогноз қилинмоқда.



2-расм. Хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари¹⁹⁸

¹⁹⁷ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.


¹⁹⁸ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.

Хизматлар соҳаси ўсиш тенденцияси-давлат томонидан яратилаётган имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланиш билан биргаликда, соҳага кенг қамровда тадбиркорларни жалб қилиш ва бу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш каби муҳим аҳамият касб этувчи омиллар ётади.

Шунингдек, жорий йилнинг **январь-август** ойларида хизматлар соҳасида 40 168 та (2022 йилнинг январь август ойларига нисбатан 2 244 тага кўп ташкил этилган) кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, 1-сентябр ҳолатига ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони 336 613 тага етди.

Республикада жорий йилнинг ўтган 8 ойида хизматлар ҳажми 288,4 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,5 фоизга, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 110,1 фоизга ўсиб, 7,9 млн. сўмга етган.

Бугунги кунда, мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг 70,4 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келмоқда ҳамда жами банд бўлган аҳолининг 55 фоизидан ортиғи хизматлар соҳасида ишлаб келишмоқда.




3-расм. Молиявий хизматлар ҳажми¹⁹⁹

Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича тегишли чораларни кўриш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ўзмиллийбанк” АЖ билан биргаликда маъсул этиб белгиланган сўнг, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида қуйидагиларга эришилди.

Жумладан, 2023 йилнинг 8 ойлигида корхона ва ташкилотлар томонидан жами 116,8 трлн сўмлик хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич 89,3 трлн сўмни, даврий ўсиш эса 18,2 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, хизматлар соҳасида молия, алоқа ва ахборотлаштириш, таълим ва транспорт хизматларидаги ўзгаришлар бошқа турдаги хизматларга нисбатан юқори ўсиш бўйича натижаларни қайд этган. Мисол учун, қуйидаги диаграммаларда бир неча йиллик ўсиш тенденциялари билан юқори ўсишни қайд этган хизматларни кўришимиз мумкин: Айтиш жоизки, 2021 йилдан бугунги кунга қадар соҳада янги лойиҳаларни ташкил этиш, фаолиятини кенгайтириш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзмиллийбанк” АЖ тижорат банклари билан биргаликда 28 мингдан зиёд тадбиркорлар учун 50,4 трлн сўм, шундан жорий йилнинг 8 ойида 6,4 мингта тадбиркорларга эса 13,3 трлн сўмлик кредит маблағларни йўналтирилди.

¹⁹⁹ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.



4-расм. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ўсиш тенденцияси²⁰⁰

Бунинг натижасида, 2023 йил 1-сентябр ҳолатига кўра, 28,4 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони 76 мингтага етди. Умуман олганда, 2021 йилдан бугунги кунга қадар корхона ва ташкилотлар томонидан жами 357 трлн сўмлик хизматлар кўрсатилди, хизматлар ҳажми эса 2020 йилга нисбатан 2 баробарга ўсди.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, хизматлар ҳажмининг ўтган йилларга нисбатан жадал ўсиб бориши аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг юқори ўсишигига ҳамда аҳоли даромадларининг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан, ўтган 8 ой давомида юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида хизматлар соҳасида 290 мингта иш ўринларини яратилганлиги ижобий натижалардан биридир. Шунингдек, 2022 йил якуни билан аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 47 млн сўмни ташкил этган, ушбу кўрсаткич жорий йил якуни билан 57 млн сўмга етказилиб, 2020 йилга нисбатан 3 баробарга кўпайиши прогноз қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган вазифа ва топшириқларнинг ижросини маъсуллар томонидан ўз вақтида самарали бажарилиши орқали мақсадли параметр кўрсаткичларига эришиш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш билан бир қаторда, янги хизмат турларини жорий қилиш, шунингдек аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг сонини ошишига сабаб бўлмоқда. Бу орқали жамиятимизнинг яшаш тарзи яхшиланиб, уларнинг турмуш даражасига ижобий таъсир кўрсатиш имкониятлар яратилмоқда.

Хулоса қилиб айтиш лозимки, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб

²⁰⁰ www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.

чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси эса тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

Хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш борасида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ҳам кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилган.

Биринчидан, ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 бараварга ошириш

Иккинчидан, ўрта ва йирик шаҳарлар ҳамда аҳолиси 300 мингдан кўп бўлган туманларда замонавий бозор хизматларини ташкил қилиш, ИТ, таълим, тиббиёт, юридик, санъат, туризм, меҳмонхона ва умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш

Учунчидан, шаҳарсозлик лойиҳалари асосида зарурий инфратузилмаси мавжуд ва аҳоли гавжум бўлган кўчаларнинг 233 мингта бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқариш орқали савдо, маиший, сайилгоҳ ва кўнгилочар хизматларини ривожлантириш

Тўртинчидан, ўрта ва йирик шаҳар марказларида хизмат кўрсатишга ихтисослашган марказий кўчаларни ташкил этиш орқали 36 мингта савдо ва сервис объектларини ташкил этиш

Бешинчидан, «Янги Ўзбекистон» массивларида ва халқаро автомобиль йўллари бўйида 6 мингта савдо ва сервис объектларини қуриш ва етакчи лойиҳа ташкилотларини жалб қилиб, бозорларни замонавий, қулай барча хавфсизлик талабларига жавоб берадиган савдо комплексларига айлантириш [2].

Бу каби устувор вазифалар хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Альфред Маршалл. (1993) *Принципы экономической науки*. - М.: «Прогресс».

Ботирова Р., Икромов И. (2017) *Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари*. №11(119). <http://www.biznesdaily.uz>

Бурменко Т.Д. (2007) *Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, Н.Н. Даниленко, Т.А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко*. - М.: КНОРУС, – 328 с. – С. 64-65.

Кастельс М. (2000) *Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана* - М. : ГУВШЭ.

Котлер Ф. (1993) *Основы маркетинга*. - М.: Прогресс, - С.63 8.

Мелешко Ю.В. (2016) «Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества» // *Россия: Интернет-журнал “Экономическая наука сегодня” №4*.

Муҳаммедов М.М. (2009) “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. *Servis jur.* №1, - 47-56 б.

Пулатов М.Э. *Интеллектуал капитал ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фан-лари доктори диссертацияси автореферати*. - Т.: ТМИ, 2017. -66-б.

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-82 сонли фармони*. // www.lex.uz

Эрназаров Г.Б (2024). “Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболлари” мақола ТДИУ: *Иқтисодиёт ва таълим журнали 2024 йил №1-сон*